



# О`ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIQ QO`MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ  
КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

STATE TAX COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh. A.Qodiriy ko`chasi, 13-A uy, Tel.:(71) 244-97-16, Faks:(71) 244-89-12, [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

2020 yil "4" avgust.

17/2-23761 - son

**Тошкент шаҳар  
давлат солиқ бошқармасига**

**Нусхаси: Қорақалпоғистон Республикаси  
ва вилоятлар давлат солиқ  
бошқармаларига**

**Йирик солиқ тўловчилар бўйича  
ҳудудлараро давлат солиқ  
инспекциясига**

Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 22 июлдаги 18/1-17594-сонли мурожаатингизга жавобан, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан тасдиқланган Солиқ кодексининг 267-моддасида солиқ тўловчи томонидан енгил автомобилларни ва улар учун ёқилғи маҳсулотларини сотиб олиш чоғида тўланган ҚҚС суммалари амалга оширилаётган фаолият турига боғлиқ бўлмаса, ҳисобга олинмаслиги белгиланган.

Солиқ кодексининг 305-моддасига асосан, солиқ тўловчи томонидан Ўзбекистон Республикасида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам ҳисобот (солиқ) даври давомида амалга оширилган (қўрилган), асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлари (ушбу Кодекснинг 333–336-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса зарарлар) харажатлар деб эътироф этилади.

Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар тушунилади.

Ҳар қандай чиқимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган чиқимлар деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар деганда қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган чиқимлар тушунилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

2) тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар;

3) бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Юкоридагиларга асосан, агар енгил автомобиллардан корхона раҳбари, ишчилари ёки учинчи шахслар шахсий мақсадларда фойдаланса, сотиб олиш чоғида тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинмайди.

Сотиб олинган енгил автомобиллардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланилса, солиқ суммасини ҳисобга олиш мумкин.

Бунда, енгил автомобиллардан фойдаланишнинг айнан амалга ошириладиган фаолият турига боғлиқлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

**Раис ўринбосари**

**Ф.Умаров**

